

Жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ёрдамидан фойдаланишнинг аҳамияти

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки даврданок ўз олдида асосий мақсад қилиб, ижтимоий макон сифатида тушуниладиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлаган эди ва шу мақсадда собитқадамлик билан ҳаракат қилиб келмоқда.

Жамоатчилик институти азалдан жиноят процессида алоҳида муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан ҳам жамоатчилик вакилларининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ҳуқуқий онгини оширишда, қолаверса ислохотлар давридаги роли муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, ислохотдан мақсад ривожланган демократик давлат барпо этишдир. Бундай жараёнда жамиятдаги ҳар бир ҳуқуқий институт айнан шу ягона мақсадга қаратилган ўз концепциясига эга бўлмоғи лозим.

Демак, шу ўринда жиноят процессида жамоатчилик институтининг ролини янада ривожлантириш унинг ўзига хос концепциясига эга бўлишини тақозо этади. Айниқса ҳозирги вақтда жамоатчилик вакилларининг жиноят процессидаги фаол иштироки жиноятчиликка қарши курашда ўзининг ижобий самарасини намоён этади, чунки ўзаро ҳамкорликда жиноятларни тез ва тўла очиш, барча айбдорларни фош этиш ва уларга адолатли жазо тайинлаш, энг асосийси, жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ҳамда шарт-шароитларни бар- тараф этиш мумкин.

Шу муносабат билан жиноят процессида иштирок этувчи жамоатчилик вакиллари фаолиятининг сифатини ва маданиятини ошириш, шунингдек, фуқароларни қонунларга қатъий риоя этиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, шахс ҳуқуқ ва кадр қимматини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Биз «Адолат - қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш учун

биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан самарали ҳамкорликни кенг йўлга қўямиз»¹⁰, - деб таъкидлаб ўтдилар.

Жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки бу фаолиятни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона бўлишини таъминлаб, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг бир шакли ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам, сўнгги йилларда давлатимизда вужудга келган илғор тажрибаларга таяниб, республикамизда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини янада кучайтириш мақсадида, ички ишлар органларининг жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ички ишлар органларининг тергов аппараты жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишдан аввал, биринчи навбатда ўрганилаётган объектда ўзаро ҳамкорликнинг нима эканини аниқлаб олсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноятларни тергов қилишда жамоат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан биргаликда муҳим ижтимоий вазифаларни бажариши уларнинг ўзаро ҳамкорлигининг мазмунини ташкил этади.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигидан дастлабки терговда фойдаланиш терговнинг сифати ва самардорлигини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли, жиноятларни тергов қилишда ички ишлар органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ўзаро аҳамияти деганда, объектив зарур мақсади, жойи, вақти, ўзаро келишилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган, дастлабки терговда иштирок этиши терговчига содир этилаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар беришдан, кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатишдан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, унда бўлган изларни сақлаш, гувоҳ ва жабрланувчиларни аниқлаш, жиноят қуролини қидириб топиш, бошқа жиноятларга алоқадор ва уни содир этган шахсларни аниқлаш - да ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб, ахборот алмашиш, биргаликда режа тузиш

¹⁰ Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. - 2016. - 8 дек.

ва тадбирларни амалга оширишда юзага келадиган бош- қарув субъектлари томонидан ташкил этувчи ва тартибга солувчи тизимли фаолият тушунилиши керак¹¹.

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан жиноятларни тергов қилишда фойдаланишнинг аҳамияти - жиноятларни тергов қилиш борасида кенг қамровли муаммоларни ҳал қилишдир. Фойдаланишнинг аҳамиятини объекти - жиноятларни тергов қилишда ёки бу комплекс муаммоларнинг ҳақиқий ҳолатидир. Фойдаланишнинг предмети - эса ушбу йўналишда куч ва воситаларни мувофиқлаштиришдир¹². Ички ишлар органларининг тергов аппаратининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти шундаки, жиноятчиликка қарши курашда ички ишлар органлари тизими олдида турган мақсадларга фақат турли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биргаликда ва ички ишлар органлари хизматларининг бир-бири билан ўзаро мувофиқлашган ҳаракатлари орқали эришиш мумкин. Зеро, доимий ва мувофиқлашган ўзаро ҳамкорлик- сиз жиноятларни тергов қилиш ва уни олдини олиш бўйича комплекс чора тадбирларни ташкилий равишда амалга ошириб бўлмайди.

Бугун ички ишлар органлари терговчилари жиноятларни тергов қилишда жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ёрдамидан кенг фойдаланмоқдалар. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун ташкил этади. Ушбу қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари - ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмадир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади¹³.

¹¹ Забелов С. М. Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране правопорядка. - Минск, 1979. - С. 7.

¹² Қаранг: Афанасьев В. А. Организация работы участкового инспектора милиции. - М.,

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. - 1991. - № 4.

Ҳозир республикаимизда фаолият кўрсатаётган «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Умид» жамғармалари ва бошқа бир канча ташкилотларни ёшлар сиёсатини амалга оширишда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги қонунда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ички ишлар органларининг тергов аппарати вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилишда уларни олдини олишда аҳамияти жуда катта ҳисобланади.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 4 моддасида, оммавий ахборот воситалари - оммавий ахборот- ни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, пинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги вебсайт- лар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга берилган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари¹⁴. Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш, ҳуқуқига эга ҳамда тарқатиладиган ахборотнинг холислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Жиноятларни тергов қилишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда: айблилиги исботланиб суд томонидан ҳукм қилинган жиноят ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, радио ва телевидение орқали жамоатчиликни содир этилган жиноятдан хабардор қилиш, жиноятни содир этган шахслар ёки жиноятни кўрган-эшитган шахсларни аниқлаш борасида маълумотлар тарқатиш, маҳалла фуқаролар йиғинларига тергов ҳаракатлари ёки қидирувга ёрдам бериш тўғрисида мурожаат қилиш ва ҳоказолар.

Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ёки намойиш қилинган хабарлар жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкин, лекин ушбу хабарлар ва жиноят фактларни текшириб чиқиш лозим бўлади. Чоп этилган ахборот, хат, мақола ёки маълумот, ҳатто муаллиф бевосита жиноят иши кўзғатишни илтимос қилмаса-да, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб сифатида тан олинади.

Ахборотни эълон қилиш деганда, маълумотларни маҳаллий ёки марказий газета, журналда ва расмий ахборотномада чоп этилиши,

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. - 1998. - № 1. - 10-м.

телевидение орқали намойиш қилиниши, радиода эшиттирилиши тушунилади¹⁵.

Бундай маълумотлар жинойт ишини қўзғатиш учун етарли асос эканини терговчи бевосита аниқлаши керак. Жинойт тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари ва хабарни терговчининг талабига асосан ўз ихтиёрида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт. Шу сабабли юқорида кўрсатилган қонунлар, жинойт-процессуал қонунчилик нормалари ва ИИОлари тизимидаги меъёрий-ҳуқуқий актлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб ҳамкорликни олиб боришади.

Жинойт-процессуал кодекснинг принципларининг 21-моддасида жинойт ишларини юритишда жамоатчиликнинг иштироки киритилган бўлиб, жинойт иши бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиш, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жинойтнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари жинойт ишини юритишда жамоат айбловчилари ҳамда жамоат химоячилари тариқасида қатнашишга ҳақлидирлар. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар процессуал қонунларга мувофиқ куйидаги ҳуқуқларга эга:

- иш материаллари билан танишиш, далиллар тақдим этиш ва уларни текширишда иштирок этиш;
- илтимоснома бериш;
- тарафларни музокараларида сўзга чиқиб, судга фикр билдириш.

Жамоат бирлашмалари терговчи томонидан жинойт иши қўзғатилган қарорга асосланиб ёки жинойт иши қўзғатилишидан олдин ҳам жинойт ишига оид далилий ашёлар, ҳужжатлар тақдим этиши жинойтларни тергов қилишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жинойт тўғрисида хабар билан терговчига мурожаат этишлари мумкин. Улар айбланувчига эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шарли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида;

¹⁵Рахмонов С. М. Жинойт-процессуал ҳуқуқ. Умумий қисм. - Т., 2015.

озодликдан махрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ЖПКда белгиланган ҳолатлар ва тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар. ЖПКнинг 252-моддасида жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг ишда айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахсни кафиликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятларни тергов қилишда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ёрдамидан фойдаланиш, *биринчидан*, содир этилган жиноятларнинг тез ва тўла очилишига самарали таъсир кўрсатса, *иккинчидан*, фуқароларда жиноятчиликка қарши курашиш борасида дахлдорлик ҳисси кучайишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Людмила, Ю. Г. А. Й., and Хагани ГАДЖИЕВ. "Использование цифровой экспертизы при доказывании факта распространения ложной информации в интернете." Юрист Ахборотномаси 2.1 (2021): 208-218.
2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).